

ИНСОН КАПИТАЛИ МОҲИЯТИ, УНИНГ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ АҲАМИЯТИ

Мирзохид Латифович Шарипов

Чирчиқ давлат педагогика институти ўқитувчиси
sharipovmirzoxid@gmail.com

Нилуфар Махсудовна Кошанова

Чирчиқ давлат педагогика институти ўқитувчиси
koshanovanilufar512@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада инсон капиталининг моҳияти, ўзига хос хусусиятлари ва турлари, инсон капитали тўғрисидаги назариялар тараққиёти ва босқичлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Инсон капитали, меҳнат ресурси, ишчи кучи, меҳнат потенциали, инсон ресурслари, инсон омили.

THE ESSENCE OF HUMAN CAPITAL, ITS SIGNIFICANCE IN THE DEVELOPMENT OF THE STATE AND SOCIETY

ABSTRACT

In the article analyzes the essence, features and types of human capital, the development and stages of theories about human capital.

Keywords: Human capital, labor resource, labor force, labor potential, human resources, human factor.

КИРИШ

Инсон капитали тушунчаси XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб илм-фан соҳасига кенг қўлланила бошланди. Инсон капитали фан ва техника тараққий этган замонавий дунёда энг қимматга айланган ресурс ҳисобланади. Аммо ушбу тадқиқот йўналиши мураккаблиги сабабли жуда кўп ўрганилмаган масалаларга эга бўлиб, инсон капиталини барча кўринишлари баҳолаш ва уни ўлчашнинг услубий қийинчиликлари мавжуд. Шунингдек, ҳозирча турли услубий ёндашувларга эга ягона меъёрий-ҳуқуқий база ҳам мавжуд эмас. Замонавий дунёда юқори технологияларни ишлаб чиқиш ва янада ривожлантириш, барча соҳаларда инновацион маҳсулотлар ва технологияларни жорий этиш, иқтисодий ҳаёт янги инсон ресурсларини талаб қилади.

Интенсив илмий-техник трансформациялар шароитида тезда қарор қабул қилишга қодир бўлган ўз ишига ижодий ёндашадиган ва креатив фикрловчи

кадрларни тайёрлаш замон талабига айланди [2.11]. Кўп йиллар давомида бундай рақобатбардош устунлик фақат юксак технологияларга эгалик қилишда деб эътироф этиб келинди. Бундай ёндашув қайсидир маънода ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган, аммо технологиялар соҳасидаги кашфиётлар тезлик билан ўсиб бормоқда. Илғор тараққиёт даражасига эришган жамиятлар бошқа рақобатчилардан доимо олдинда бўлишлари учун бу технологияларни яратувчи юксак интеллектуал инсон капитали зарурлигини аллақачон англаб етишди.

Инсон капитали - бу одамлар ҳаёти давомида тўплаган билимлари, кўникмалари ва соғлиғи, бу уларга жамиятнинг фойдали аъзолари сифатида ўз салоҳиятларини рўёбга чиқаришга имкон беради. Яхшиланган овқатланиш, соғлиқни сақлаш, сифатли таълим, иш ўринларини яратиш ва малакаларини ошириш орқали одамларга сармоя киритиш инсон капиталининг ривожланишига ҳисса қўшади, бу ўта қашшоқликни тўхтатиш ва ижтимоий жиҳатдан бирлашган жамиятларни барпо этиш учун жуда муҳимдир [3.24].

Иқтисодий ўсиш ва ривожланиш ҳам инсон капиталига, ҳам моддий бойликларга, шунингдек самарадорликка таъсир қилувчи омилларга боғлиқ. Ушбу соҳаларга киритилган сармоялар бир-бирини тўлдиради ва мустаҳкамлайди. Инсоннинг унумдорлиги инфратузилма, ускуналар ва барқарор, яхши бошқариладиган иқтисодиёт каби моддий бойликларнинг мавжудлигига боғлиқ. Ўз навбатида, жисмонан соғлом ва билимли одамлар кўпроқ пул ишлашлари ва иқтисодиётнинг моддий бойликларига кўпроқ сармоя киритишлари мумкин.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Дастлаб, инсон капитали деганда фақат инсоннинг меҳнат қобилятини оширадиган инвестициялар йиғиндиси - таълим ва касбий маҳорат тушунилган. Инсон капитали кенг маънода иқтисодий ривожланишнинг интенсив ишлаб чиқариш омили, жамият ва оила ривожига, билимлар, интеллектуал ва бошқарувчи меҳнат воситалари, аҳоли саломатлиги ва яшаш муҳити, замонавий малакали кадрларнинг юксак салоҳиятидир [3. 19].

Замонавий дунёда юқори технологияларни ривожлантириш, барча соҳаларда инновацион маҳсулотлар ва технологияларни жорий этиш, иқтисодий ҳаёт янги инсон ресурсларини талаб қилади. Постиндустриал жамиятларда интенсив илмий-техник ўзгаришлар, янги технологик асосни шакллантириш жараёнида замонавий технологиялар эмас, балки юксак

малакали ишчи кучи ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи омили сифатида эътироф этилмоқда. Узоқ йиллар давомида саноатлашган жамиятларда рақобатбардошлик техника ва технологиянинг устунлигида бўлиб келди. Бу ҳолат бугунги кунда ҳам маълум даражада ўз аҳамиятини йўқотмаган. Аммо бизнинг давримиздаги технологиялар рақобатчилар томонидан жуда тез кўчирилиши мумкин. Шунинг учун рақиблардан ҳар доим ярим қадам олдинда бўлиш учун, сиз доимо янги нарсаларни ишлаб чиқишингиз ва таклиф қилишингиз керак. Бу ўз навбатида интеллектуал инсон капиталига эҳтиёжни юзага келтиради.

Ҳозирги пайтда инсон капитали ва у билан боғлиқ тушунчаларнинг назарий масалалари С.А.Грачев, М.А.Гундорова, В.А.Мошнов, В.В.Адамчук, Г.Борягин, В.А.Галкина, Б.М.Генкин, М.М.Хайкин, А.Я.Кибанова, Г.С.Беккер, И.В.Грузков, А.В.Корицкий каби хорижий тадқиқотчи-олимлар томонидан атрофлича ўрганилган. Кейинги йилларда мамлакатимизда ҳам Қ.Х.Абдурахмонов, А.Ўлмасов, А.Ваҳобов, М.Саидов, И.А.Бакиева, М.Қ.Пардаев, Б.А.Абдукаримов, К.Саидов, М.Мухаммедов, Д.Асланова, Р.Сейтмурадов, С.Исхақовалар томонидан илмий изланишлар олиб борилиб, инсон капитали соҳасида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу мақолада инсон капиталининг мазмун-моҳияти тадқиқ этилган бўлиб, анализ ва синтез, умумлаштириш, қиёсий таҳлил методларидан унумли фойдаланилди.

НАТИЖАЛАР

Биринчи марта инсон капитали тушунчаси 1958 йилда америкалик иқтисодчи Жейкоб Минсер томонидан "Инсон капиталига инвестициялар ва шахсий даромадларни тақсимлаш" мақоласида қўлланилган. Кейинчалик 1961 йилда Теодор Шульц, 1964 йилдан эса Гари Беккерлар томонидан инсон капитали концепциялари ишлаб чиқилган. Инсон капитали назариясининг асосларини яратгани учун 1979 йилда Теодор Шульц, кейинроқ унинг шогирди Гари Бекер 1992 йилда Иқтисодиёт бўйича Нобел мукофотиغا сазовор бўлишган. 1971 йилда иқтисодиёт бўйича Нобел мукофотини олган Семён Кузнец инсон капитали назариясини яратишга катта ҳисса қўшди [6.43].

Инсон капитали назарияси институционал назария, неоклассик назария ва бошқа хусусий иқтисодий назариялар ютуқларига асосланади. Унинг пайдо бўлиши иқтисодий ва унга алоқадор фанларнинг реал иқтисодиёт ва ҳаётга бўлган талабларига жавоб тарзида шаклланган. Бу даврда шахснинг роли ва унинг интеллектуал фаолиятининг жамланган натижаларини жамият ва

иқтисодиётнинг ривожланиш суръати ва сифатига таъсирини чуқур англаш муаммоси мавжуд эди. Замонавий шароитда ривожланиш ва иқтисодий ўсишнинг ҳақиқий жараёнларини таҳлил қилиш замонавий иқтисодиёт ва жамият ривожланишининг асосий ишлаб чиқариш ва ижтимоий омили сифатида инсон капиталига талабнинг ортишига олиб келди.

Интеллектуал капитал назариясининг эволюциясини бир неча босқичларга бўлиш мумкин:

1. Классик - инсон ресурсларини баҳолаш ғоясининг пайдо бўлиши, давлатнинг иқтисодий ривожланишида малакали меҳнатнинг аҳамиятини тан олиш босқичи.

2. Неоклассик - иқтисодий капитал ва максимал иқтисодий хатти-ҳаракатлар концепцияларининг пайдо бўлиш босқичи.

3. Ҳозирги (замонавий) - интеллектуал капитал концепциясини кенгайтириш, назарий қоидаларни эмпирик натижалар билан тасдиқлаш босқичи [2. 7].

Ҳозирги вақтда инсон капитали қийматини баҳолайдиган жуда кўп усуллар мавжуд бўлиб, уни баҳолаш турли иқтисодий даражаларда амалга оширилади:

- *микро-даража* – индивидуал инсон капитали ҳамда корхоналар ва фирмалар даражасидаги инсон капитали;

- *мезо-даража* – муайян минтақа ва йирик корпорацияларнинг инсон капитали;

- *макро-даража* - миллий иқтисодиёт (жамият) миқёсидаги жами инсон капитали;

- *мега-даража* - глобал, жаҳон миқёсида бирлашган инсон капитали [6. 23].

Юқоридаги фикрлардан хулоса қиладиган бўлсак, инсон капитали - инсон ва умуман жамиятнинг хилма-хил эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланиладиган билимлар, малакалар ва кўникмалар тўпламидир.

Инсон капитали турли мезонларга кўра таснифланади:

1. Инсон капиталидан чекланган фойдаланиш даражаси бўйича қуйидагиларга бўлинади:

- *умумий инсон капитали* - бу билим ва кўникмалар қаерда олинишидан қатъий назар, улар бошқа иш жойларида ҳам ишлатилиши мумкин;

- *махсус инсон капитали* - билим ва кўникмалар айнан шу соҳа учун ишлатилади ва қийматга эга бўлади.

2. Харажат элементлари бўйича:

- таълим капитали;
- соғлиқни сақлаш капитали;
- ахборот капитали.

3. Кўпайиш жараёни билан боғлиқ кўринишлари:

- истеъмолчи;
- ишлаб чиқарувчи;
- интеллектуал.

4. Шаклланиш ва тўпланишнинг асосий шакллари бўйича:

- соғлиқни сақлаш капитали - ҳар бир касб учун зарур бўлган жисмоний куч, чидамлилиқ, меҳнат қобилияти, касалликларга қарши иммунитет, фаол меҳнат фаолияти.

- меҳнат капитали - иш қанчалиқ қийин бўлса, малака, кўникма ва тажрибага талаблар шунчалиқ юқори бўлади.

- интеллектуал капитал - интеллектуал, ижодий фаолият, ҳанузгача инсоннинг ўзига хос хусусияти бўлган ақл, зукколик, топқирлик.

- ташкилий ва тадбиркорлик капитали - самарали бизнес ғояларини ривожлантириш қобилияти, тадбиркорлик руҳи ва қатъиятлилиги, ташкилотчилик қобилиятлари, тижоратга эғалик сирлари;

- маданий ва ахлоқий капитал - ишбилармонлик ахлоқи, одоб-ахлоқ, маънавиятлилик, ўзини тутиш қоидаларига риоя қилиш, қонунга итоаткорлик ва бошқалар.

МУҲОКАМА

Инсон капитали кенг маънода - иқтисодиёт, жамият ва оила ривожланишининг интенсив ишлаб чиқарувчи омили, шу жумладан ишчи кучининг билим ва малакали интеллектуал қисми, бошқарувчи меҳнат воситалари, атроф-муҳит ва меҳнат фаолиятларининг йиғиндисидир. Инсон капиталига қисқача - ақл, соғлиқ, билим, сифатли ва самарали меҳнат ва ҳаёт сифати деб таъриф бериш мумкин.

Капиталнинг жисмоний капитал, молиявий капитал, табиий капитал, интеллектуал капитал ва инсон капитали ҳамда капиталнинг баъзи бошқа турларини ажратиш кўрсатиш мумкин. Миллий бойликка жисмоний, инсоний, молиявий ва табиий капиталлар киради. Инсон капитали аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини яхшилаш, интеллектуал фаолиятга сармоялар киритиш орқали шакллантирилади. Шу жумладан - таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш,

илм-фан, ишбилармонлик қобилияти ва иқлими, меҳнатни ахборот билан таъминлаш, самарали элитани шакллантириш, фуқаролик, бизнес хавфсизлиги ва иқтисодий эркинлик, шунингдек маданият соҳасида, бадиий ва бошқа таркибий қисмлар воситасида ҳам ривожлантирилади.

Инсон капитални бошқа давлатлардан кириб келган малакали кадрлар ва маблағлар ҳисобига ҳам шакллантириш мумкин. Инсон капитални жамият ҳаётининг барча соҳаларида меҳнатнинг сифати ва унумдорлигини оширишга ҳисса қўшади ва қўллаб-қувватлайди. Инсон капитални ривожланишининг асосий омиллари рақобат, сармоя ва инновациялардир.

Миллий инсон капитални - мамлакат миллий бойлигининг ажралмас қисми бўлган инсон капиталидир. Миллий инсон капитални ижтимоий ва сиёсий капитални, шунингдек, миллий интеллектуал устуворликлар, миллий рақобатбардош устунликлар ва миллатнинг табиий салоҳияти ўз ичига олади.

Миллий инсон капитални қиймати - инвестициялар, дисконтлаш ва бошқа усуллар билан ҳисобланади. Миллий инсон капиталининг хусусиятлари жаҳон цивилизациялари ва дунё давлатларининг тарихий ривожланишини белгилаб берди. XX асрнинг иккинчи ярми ва XXI асрнинг биринчи чораги миллий инсон капитални иқтисодиёт ва жамият ривожланишининг асосий интенсиф омилли бўлиб қолмоқда.

Инсон капитални самарадорлик даражасига кўра ишлаб чиқарувчи омил сифатида салбий инсон капитални (ҳалокатли) ва ижобий (ижодий) инсон капиталнига бўлиниши мумкин.

Салбий инсон капитални - бу жамғарилган инсон капиталининг бир қисми бўлиб, у жамият, ва иқтисодиётга фойда келтирмайди, аҳолининг турмуш даражаси ўсишига, жамият ва шахснинг ривожланишига тўсқинлик қилади. Ҳар доим ҳам таълим ва тарбияга киритилган сармоя фойда беравермайди. Тузатиб бўлмайдиган жиноятчи ва қотиллар - бу жамият ва оила учун йўқотилган сармоядир. Салбий инсон капиталининг ортиб боришига порахўр амалдорлар, жиноятчилар, гиёҳвандлар, ҳаддан ташқари спиртли ичимликка ружу қўйган кимсалар, дангаса ва ўғрилар катта ҳисса қўшмоқда.

Салбий инсон капиталининг кўпайишига миллатнинг фаол қисми - унинг элитаси катта ҳисса қўшиши мумкин, чунки айнан улар мамлакатни ривожлантириш сиёсати ва стратегиясини белгилайдилар, миллатни тараққиёт йўлига олиб чиқади ёки турғунлик ёки инқирозга бошлайди. Салбий инсон капитални билим ва тажрибанинг моҳиятини ўзгартиришни, шунингдек инсон капиталнига қўшимча сармояларни талаб қилади.

Таълим жараёнини, инновацион ва инвестиция салоҳиятини ўзгартириш, аҳолининг менталитети ва маданиятини юксалтириш учун ислохотларни амалга ошириш керак бўлади. Йиғилган салбий инсон капитали бифуркация даврида ўзини тўлиқ намоён қила бошлайди.

Ижобий инсон капитали (ижодий ёки инновацион) тараққиёт ва ўсиш даврида унга қўйилган инвестицияларнинг фойдали даромадини таъминлайдиган инсон капитали сифатида тавсифланади. Ижобий инсон капитали таълим тизимини ривожлантиришда, билимларнинг ўсиши, илм-фаннинг ривожланиши, аҳолининг соғлиғини яхшилаш, ахборот сифати оширишда ўзининг беқиёс ҳиссасини кўшади.

Пассив инсон капитали - мамлакат тараққиётига, инновацион иқтисодиётга ҳисса қўшмайдиган, асосан моддий неъматларни ўзи истеъмол қилишга қаратилган инсон капитали.

Инсон капиталини қисқа вақт ичида ўзгартириш мумкин эмас, айниқса кўп миқдорда тўпланган салбий инсон капитали билан мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш катта қийинчиликларни вужудга келтиради.

ХУЛОСА

Билим энг катта хазина бўлиб, уни ҳеч бир бойлик билан қиёслаб бўлмайди. Буюк аждодимиз Исмоил ал-Бухорий томонидан “Дунёда илмдан ўзга нажот йўқ ва бўлмагай” деб бежизга айтилмаган. Жаҳон тараққиётида интеллектуал салоҳият муҳим аҳамият касб этиб, билимли ва малакали инсоннинг кучига бўлган талаб тобора кучайиб бормоқда. Чунки дунёда юксак илмий-технологик кашфиётларни ана шундай салоҳияти баланд кадрлар яратади. Шунингдек, ҳар қандай кашфиётлардан фақат инсон манфаатлари, унинг бахт-саодати йўлида фойдаланмоқ лозим.

Бугунги глобаллашув жараёнида инновация ҳар қандай мамлакатнинг энг муҳим стратегик ресурсларидан биридир. Ижтимоий-иқтисодий муаммоларни муваффақиятли ҳал этиш, янги саноат ва молиявий технологияларни жорий қилиш, инновация-инвестиция инфратузилмасини ривожлантириш, интеллектуал салоҳиятни юксалтириш, экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш, импорт ўрнини босиш, валюта захираларини тўплаш маълум даражада инновацион фаолият билан боғлиқдир.

Ҳақиқатан ҳам, инсон капиталини ривожлантирмасдан туриб, инновацион тараққиётга эришиш мумкин эмас. Таниқли иқтисодчи олимларнинг фикрича, инсон капиталига инвестиция киритишга нисбатан

бепарволик мамлакат рақобатбардошлилигини кескин пасайтириб юбориши мумкин. Мамлакат иқтисодий жиҳатдан тараққий этиши учун истеъдодли одамларни тарбиялаш талаб этилади [4.1].

Инсон капитали XXI асрда инсониятнинг, ҳар бир давлатнинг тақдирини белгилайдиган мезонга айланди. Ҳозир ахборот технологияларидан тезкор суръатларда фойдаланиш даври. Олимлар яқин ўн-ўн беш йилда бу даврнинг тугашини башорат қилмоқдалар. Цивилизациянинг учинчи босқичи умуммаданий ёки интеллектуал-маънавий босқич бўлиши мумкин [5.1].

Йиллар давомида моддий-табiiй ресурслар, иқтисодиётнинг саноат ва аграр секторлари, олтин, валюта захираси ва бошқалар миллий бойликнинг доимий камайиб борувчи қисмига айланади. Баъзи экспертларнинг фикрича, улар 2030 йилга келиб, ривожланган мамлакатлар миллий бойлигининг 10 фоизига ҳам тенглашолмайди. Бошқача айтганда, интеллектуал-маънавий омил миллий бойликнинг ҳал қилувчи шарти бўлиб, давлат қудратининг энг муҳим кўрсаткичи ва жамиятнинг ривожланганлик даражасини белгилайди [5.3].

Ўзбекистонни ривожланган давлатлар қаторига кўтариш учун улкан қудрат, катта салоҳият керак. Бу куч нимада? Бу куч ва салоҳият миллатимизнинг инсон капиталида. Ҳар бир одамнинг нималарнидир билишида, нималарни қандай ўқув ва малака билан бажара олишида, Ватанига, халқига нисбатан чексиз садоқатида. Фуқаролик жамиятини қўллаб-қувватлашга киритиладиган ҳар бир инвестиция кишиларнинг креативлигини, қонунларга бўйсунлигини таъминлайди. Жамиятда кўтаринкилик муҳити юзага келади, конструктив ва рационал дунёқараш шаклланади. Ҳаёт сифатини оширувчи нодавлат институтлар пайдо бўлади. Одамлар соғлом турмуш тарзига ўрганади. Буларнинг барчаси халқимизда келажакка ишонч кайфиятини пайдо қилади, ҳаёт сифатини юксалтиради.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Т., 29.12.2020.
2. С.А.Грачев, М.А.Гундорова, В.А.Мошнов. Инвестиции в человеческий капитал. Владимир., 2016.
3. И.Н.Шапкин. Человеческий капитал: теория, исторический опыт и перспективы развития. Москва., 2017.
4. Д.Шоумаров. Инсон капитали ўз-ўзидан юзага чиқмайди. uzlider.uz/news-of-party/3127., 04.10.2018.

5. М.Куронов. Инсон капитали мактабда яратилади. Маърифат газетаси, 23.07.2018.
6. Я.И.Кузьмин, Л.Н.Овчарова, Л.И.Якобсон. Как увеличить человеческий капитал и его вклад в экономическое и социальное развитие. Москва. 2018.
7. Akhatov, L.K., Rasulov, A.N., Mirzorakhimov, O.K., Sharipov, M.L., & Ibrokhimov, F.A. (2020). The Outlookings of Religious and Sufism in Teaching of Abdurakhman Jami. *Journal of Critical Reviews*, 7(17), 112-116.
8. Шарипов М.Л. (2020). “Ёшлар маънавиятини юксалтиришда Хусайн Воиз Кошифий ахлоқ фалсафасининг аҳамияти”. *Мугаллим ҳем узликсиз билимлендируй*. № 1-1. 94-98.
9. Мирзохид Шарипов. (2020). “Тарихни ўзгартирган буюк соҳибқирон”. *Тамаддун нури*. № 2. 14-17.
10. Шарипов М.Л. (2020). Марказий Осиё мутафаккирларининг илмий мероси, уларнинг илм-фан ҳамда жаҳон цивилизацияси тараққиётидаги роли ва аҳамияти. *"Science and Education" Scientific Journal*. Volume 1 Special Issue. 157-172.
11. Шарипов М.Л. (2020). Коррупцияни юзага келтирувчи омиллар ва унинг оқибатлари. *"Science and Education" Scientific Journal*. Volume 1 Issue 5. 263-270.
12. Hojiyev Rasulbek Boynazar o`g`li, Xolmo`minov Gofur Bobonazarovich & Sharipov Mirzohid Latipovich. (2020). “Raising a harmoniously developed generation is a priority of democratic reforms in Uzbekistan”. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*. Vol. 8 No 5, Part II. 1-3.
13. Шарипов М.Л. (2020). Коррупция ва у билан боғлиқ жиноятларнинг инсон ва жамият ҳаётига таҳдидлари. «Academic research in educational sciences». Volume 1. Issue 4. 50-58 – бетлар.
14. Кошанова Н.М. Оила ва мураббий манфаатли ҳамкорлигининг таълим сифатини оширишдаги аҳамияти. //Academic Research in Educational Sciences, 1 (3), 2020. 32-41-бетлар
15. Mardonov S., Toshtemirova S., Ahmadjonov B, Koshanova N. Structure and Mechanisms of Action of The Edcatcional cluster. // International Journal of Psychological Rehabilitation, Vol.24, Issue 07, 2020. 8104-8111
16. Koshanova N. Teacher actions in professional direction school (according to the educational cluster) //European Science review. № 3-4 2020. <https://doi.org/10.29013/ESR-20-3.4-24-26>.

17. Кошанова Н.М. Халқимиз ҳаётидаги зардуштийлик таълимоти билан боғлиқ анъана маросимлар. Тамаддун нури. Илмий, ижтимоий-фалсафий, маданий-маърифий, адабий-бадиий журнали. Қорақалпоғистон Республикаси, 2020.1-сон – Б. 37-40
18. Абдурауф Фитратнинг “Оила ёки оилани бошқариш тартиблари” асарида миллий тарбия масаласи. Илм сарчашмалари. илмий–методик журнали. Урганч. 2020. 7-сон. 44-47
19. “Умумтаълим мактабларида синф мураббийлари фаолияти самарадорлигини ошириш механизмлари”. Замонавий таълим илмий –амалий оммабоп журнали. 2020. 2-сон. 28-33-б.
20. Koshanova N.M. Teacher Actions in professional Direction of secondary school children(assording to the educatsional cluster) European Science Review Scientific journal №3-4 2020 (March-April) 24-26p